



Маданий давлатнинг барча фукаролари маърифатнинг порлок зиёсига интилноги керак. Маданият зиёсига йўл очмокнинг энг яхши омили матбуотдир”.

М.Бехбудий

“Тараккий” газетаси

Туркистондаги илк миллий газета 1906 йил 14 июнь (янги ҳисобда 27 июнь) куни татар тараккийпарвари Исмоил Обидий муҳаррирлиги остида чоп этилган “Тараккий” газетаси ҳисобланади. Газета чиқиши муносабати билан Исмоилбек Гаспирали, Абдулла Тўкайлардек йирик тараккийпарварлар табрик номаларини йўлладилар, Мунаввар кори Абдурашидхонов, Абдулла Авлонийларнинг мақолалари бу газетанинг халқ орасида янада машҳур бўлишига ёрдам берди.

“Тараккий”нинг кириш мақоласи Исмоил Обидийнинг “Тошкент 14 июнь” мақоласи бўлган. Унда муҳаррир Туркистон мусулмонларига мурожаат қилиб, барчани ўзаро низоларга чек қўйиб, бирликка чақиради. Газетанинг шиори ҳам мақсадидан келиб чиққан ҳолда “Нажот: маслакда сабот; тўғрилиқни ижобат” деб белгиланди. Муаллиф миллатнинг ёруғ жаҳонда яшаб қолиш-қолмаслиги, унинг тараккиёти ёхуд таназзули ёлғизгина мана шу тотувликка, миллатнинг илму маърифатига боғлиқ, дейди. У Россия империясида кечаётган курашлар ва инқилоб натижасида жорий этилаётган демократик ислохотлардан факатгина маърифатли миллатлар фойдалана олишини уқтиради. Бу мақола туркистонлик тараккийпарварлар томонидан жуда кизгин қарши олинди. Газетанинг илк сонида Мунаввар кори Абдурашидхоновнинг “Бизнинг жаҳл, жаҳли мураккаб” мақоласи ҳам босилган. Бу мақолада бутун Туркистон халқларининг анъанавий турмуш тарзи таҳлил этилган. Унда мавжуд иллат, бидъат ва хурофотларнинг жамият тараккиёти учун ҳов бўлаётганлиги айтилади, буларга қарши курашга бутун миллатни қорлайди. Мақола ўз вақтида бутун Туркистон элининг илғор

кисмини ларзага солди ва Мунаввар кори гојаларидан, унинг аклий дахосидан намуна ўларок, хали ҳамон севиб ўкилади.

“Тараккий”нинг 3-сонида “Тошкент 22 июнь” деб номланган маколани И.Обидий Туркистон келажаги учун ягона нажот йўли бўлган илму маърифатни таърифлашдан бошлайди. Бирок, макола давомиди муаллиф рус инкилоби ва унинг мустамлака халклари фойдаси учун чиқарилаётган айрим имтиёзларини, конун ва қарорларини Туркистон тупроғига ҳам жорий этиш масалаларини муҳокама қилади. У муаммоларни очикчасига қўтармайди, чунки газетанинг очилиш жараёнида сиёсий масалаларга аралашмасликка хат берган эди. Шунга қарамай Туркистон халқининг сиёсий маданиятини ошириш, маълум мақсадлар теграсида ташкилотлар атрофида уюшиш ва сиёсий партиялар зарурлиғига аҳамият қаратади. Бу борада туркистонликларнинг Европа таълимини олган мутахассисларга, илмга, тажрибали юристларга муҳтожлиғига эътибор қаратади. Шу соннинг ўзида “Қаламқаш” имзоси билан ёзилган “Ул-бул нарсалар” мақоласида масала янада ойдинлаштирилади. Яъни, инкилоб натижасида қўрқувга тушиб қолган Қор ҳукуматининг сиёсий чекинишларидан унутли фойдаланиб қолишга, бу йўлда маҳаллий қўчларни сиёсий бирликка қақиради.

Газетанинг 16-сониди “Туркистон 9 август” номли мақолада муаллиф одатдагидек мутаассиб уламоларга қарши эмас, бу гал маъмурларнинг қалондимоғлиги, ўз бурчига нисбатан совуққонлиғига мисоллар келтиради. Агар маъмурларни халқнинг ўзи сайласа, албатта улар бу даражада тубанлашиб кетмасди, деб демократик бошқарувнинг устивор жиҳатларига эътибор қаратади. Шунингдек, “Умумий ўқитув” мақоласи муаллифи ҳам Россия империясининг руслаштириш сиёсатида қарши қадиллик билан бошланғич таълим, энг аввало, маҳаллий миллатларнинг она тилида бўлуви лозим, деган қарорни илғари суради.

“Туркистон 12 август” мақоласида муҳаррир Туркистоннинг шонли тарихидан гап бошлайди. XIX асрнинг инсоният бошига қўплаб ташвишлар келтиргани, ожиз миллатларнинг империалистик зулм остида қолгани ёзилади. Туркистоннинг мустамлакага айланиши сабаблари таҳлил этилади. Айниқса, маҳаллий миллатларнинг орасига раҳна солиниши, дин ва қадриятларнинг таққирланиши ҳамда келажакда бу сиқув янада авж олдирилиши мумкинлиғига эътибор қаратади. Шунингдек, Фансуруллоҳон Ҳудоёрхоновнинг хати босилган. У маҳаллий бойларни хайрия жамияти очиб, муқулмонларнинг етим болаларини қомийликка олиш, улар учун мақтаблар очишга қақиради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш мумкинки, мақкур газета фаолияти учун рухсат беришда иштирок этган Остроумовнинг асл мақсади қундан қун халқ орасида обрўси ортиб бораётган тараккийпарварларни мутаассиб уламолар қўли билан йўқ қилиш эди. Шунинг учун муҳаррирликни ҳам Туркистон тараккийпарварларига эмас, айнан ўзининг қанторасига унча узок бўлмаган Исмоил Обидийга топширганди. Исмоил Обидий ўз мақолаларида эскилик билан қаттиқ қурашиб, қора гуруҳ-уламоларнинг халқ ўртасидаги эътиборини тушуришга ҳаракат қилди. Бирок, Мунаввар қори ва бошқа туркистонлик тараккийпарварларнинг ҳаракати билан газетанинг мақмуни бутунлай ўзгариб кетди. Унда миллат, миллий озодлик, миллий маданият учун қураш, дин ва ватан ҳақидаги оташин мақолалар элнинг асрий уйқудан қалқишига сабаб бўлди. “Тараккий” газетаси Туркистондаги илк қадид газетаси бўлишига қарамай, бутун минтақани қадид гојалари атрофида жиқслаштиришга эришди. Ҳатто, Исмоил Обидийнинг номини ҳам “Тараккий” деб атай бошладилар. Мақсадига ета олмаган ҳукумат газетани сиёсатга аралашган

деган айблов билан ёпади. Унинг 20-сони сўнггиси бўлди. Хукумат газетанинг мулкларини мусодара этиб, мухарририни камокка олди.

“Садои Фаргона” газетаси

Жадид матбуотининг йирик нашрларидан бири 1914 йил 3 апрелидан Кўкон шаҳрида чика бошлаган “Садои Фаргона” газетасидир. Унинг эгаси ва мухаррири тоғ-кон мухандиси Обиджон Махмудов бўлиб, газета унинг хусусий матбаасида босилган. Газета халкни жаҳолатга қарши курашга, фойдасиз расм-русум ва бадъатларни тугатишга, уларга сарфланадиган маблағларни эса миллат болаларини ўқиши учун ишлатишга чақирди. “Садои Фаргона” илк сонлариданок халкнинг севимли газетаси ва муҳокама минбарига айланиб улгурди.

Газета Туркистон жадидларининг афкор оммаси сифатида таълимни ислох этишни бош масала сифатида ўз олдига қўйди ва “усули жадида” мактабларини тарғиб этди. Унинг 9-сонида “Муаллим афандиларга очук мактуб” номли хабарда жадид мактаблари муаллимларининг меҳнатларига ва имтихонга тайёргарликларига ташаккур изҳор этади. “Садои Фаргона”нинг 13-сонида 5 май куни Кўконнинг Хонақоҳ маҳалласидаги “Мактаби Мухаммадия”нинг, 17-сонида Яхё корининг Шаҳрихон жадид мактабларида ўтказилган имтихонларда ўқувчиларнинг илмидан мағрур бўлади ва муаллимларни алқайди. “Садои Фаргона”нинг 44- ва 47-сонларида Обиджоннинг “Усули жадида иҳтиро қилиб туруб, яна бошқалардан шикоят қилувчиларга таажжуб” мақоласида мактаб ва мадрасаларда таълим бериш усулини мужтаҳидлар илгари ҳам ислох қилгани ҳақида ёзади. Усули жадида энди ўйлаб топилган нарса эмас, эски мактабни ислох қилишга қарши турувчилар бир оз мулоҳаза қилсинлар, ҳозирги воқелик, ижтимоий турмушнинг моҳиятига етмай, уларнинг жохиллиги туфайли азият чекаётганлар бор. Бунга қайси бири – усули қадимми ёки усули жадид мактаблари айбдорми, деб ўз фикрини хулосалайди.

Газетанинг 76-сонида кўконлик Х.Х.Н. имзоси остида (Ҳамза) “Муаллим афандиларимизга улуг ражомиз” сарлавҳали мурожаатида туркистонлик мусулмонларнинг ҳаётда тубан ва хор бўлиб яшаётганларига замонавий билимлардан четда қолаётгани сабаб бўлмоқда, дейди. Ҳамзанинг “Мактаби “дор ул-айтом”, янги етимлар мактаби” мақоласида эса ота-онаси йўқ, кўча-кўйда қолган болаларни ўқитиш масаласи кўтарилган. “Садои Фаргона”нинг 61-сонида Махмудхўжа Аҳмадхўжа ўғлининг “Кеча мактаби очилур” мақоласида кечки мактабларни очиш масаласининг долзарблиги ва унда ўқитиладиган билимлар батафсил баён қилинади. “Садои Фаргона”нинг 93-сонида “Хунар мактаби” номли хабарда Андижонда Сартарошлик мактаби очилгани ва хунар эгаларининг иш билан таъминланиши ҳақида ёзилади. Шунингдек, “Садои Фаргона”нинг 7-сонида босилган “Русияда яҳудий мактаблари” номли мақолада “Русия яҳудийлари мусулмонларнинг чорагидан ҳам кам бўлиб, ҳаммаси 6 миллион микдорича бордир. ...1914 йилги ҳисоботга қараганда. Яҳудийларнинг ўз дин ва тилларини ўргатадирган миллий мактаблари Русияда расмий 10 000 дан ортиқ экан. Улардан беш баробар ортиқ мусулмонларнинг эски ва янги мактаб мадрасалари билан бари қўшилиб ҳам 9000 га етмайдур, дейилган.

“Садои Фаргона” газетасининг 44-сонида эълон қилинган “Бухорода мактаблар ёпилмок” номли мақолада 1914 йил 5 июль, шанба куни Бухоро қозикалони ва Қўшбегисининг Бухорода 3 та (Говкушон 70 нафар, Бозори Кафш 20 нафар, Лаби Ховуз 35 нафар) янги

усул мактабларининг ёпилиб, ўқитувчилардан хат олинганлигини маълум қилади. Кўчада қолган болаларнинг йиглаб юргани ҳақида ёзади. Туркистон ўлкасидаги тараккийпарварлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, Туркманистоннинг Челикин овулида очилган жаҳид мактаби муваффақиятлари, Қошғарда очилган жаҳид мактаби ҳақида хабар беради.

“Садои Фаргона” саҳифаларида олий таълим муаммолари, айниқса мадраса таълимини ислоҳ этиш билан боғлиқ мунозараларга кенг ўрин ажратилган. “Садои Фаргона”нинг илк сониди Шокир Мухторовнинг “Ислоҳни нимадан бошларга?” мақоласида тарбияни, энг аввало, ибтидоий мактабларни ислоҳ қилишдан бошлаш керак, дейди. Газетанинг 3-сониди мулла Абдуллабек Мусобек хожи ўғлининг “Ислоҳ ул-ислоҳ” мақоласи ҳам шу мавзуга бағишланган. У Ш.Мухторовни танқид этиб, мавжуд мадрасаларни танқид қилиш деб, уларни ёппасига ерга уравериш керак эмас, негаки, ҳозирча ушбу мадрасаларимиздан бошқа олий таҳсил оладиган муассасаларимиз йўқ, дейди. Бунинг устига, аллома даражасига қўтарилган буюқ аждодларимизнинг барчаси мадрасалардан чиққан. Фақат қадимда мударрислар тўй, зиёфат, таъзия ва ҳақозо деб дарсни ташлаб қетмаганлар. Агар виждон билан ёндашилса, ҳозирги мадраса таълими дастуридаги барча фанларни ўзлаштириш мумкин, дейди. Газетанинг 7-сониди Ш.Мухторовнинг “Мофи ислоҳ ул-ислоҳ” мақоласи юқоридаги фикрларга жавоб шаклида ёзилган бўлиб, муаллиф “улуми қадима”ни инкор этмаслигини, фақат талабаларга дунёвий илмлар бўйича асл манбаларни эмас, хошияларни ўқитишга, энг мўътабар ва керакли китоблар ўрнига “Ривояти мутаноказа”, “Жомеъ ар-румуз” қабиларни ўқитишга қаршиман, дейди. Дарҳақиқат, кенг муҳокама этилган бу мунозаралар жамоатчиликда ижтимоий фикрнинг уйғонишига, зиёлиларимиз, хусусан, уламуларимизнинг ўз фаолиятларига бир оз бўлса-да танқидий ёндашишларига сабаб бўлган эди. “Самаварда муллабаччалар” мақоласида талабаларнинг ахлоқ-одоблари ва кўчада бекор юрмасликлари, ўзларининг одоб ва ахлоқлари билан халққа ўрнак бўлишларига қақиради.

“Садои Фаргона” ўз саҳифаларида сиёсий хабарларга ҳам кенг ўрин берган. Мухими, бу материаллар тўғридан-тўғри мустамлақачи манфаатини эмас, аксинча, Туркистон халқларининг қизиқишларини ифода этган. “Садои Фаргона”нинг 44-сонининг илк саҳифасида босилган “Австрия-Сербия ихтилофи” мақоласи уруш мавзусига бағишланади. Унда уруш ҳаракатлари ҳақида ўқувчиларга батафсил маълумот берилади. Газетанинг 52-сониди Нурийнинг “Оврўпа уруши” мақоласида уруш энди жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олганлиги ва барча катта мамлакатларни қуршаб олаётганига эътибор қаратади. Эътиборли томони шундаки, муаллиф қардош Туркия мамлакатининг урушга қириши қутилаётганидан ташвиш билдиради. У аслида Туркиянинг дўсти йўқ ва унинг батараф тургани яхши эди, деб ҳулоса билдиради. “Садои Фаргона” газетасининг 77-сониди “Ранний утро” газетасидан олинган мақола берилиб, унда Туркиянинг урушга қириши ва унинг ҳарбий аҳоли ҳақида ўқувчиларга хабар берилади. Бу, аввало, ўқувчиларнинг талаблари натижаси бўлиб, жаҳон урушида Туркистон халқининг Туркия мамлакатига нисбатан ҳамдард муносабатидан далолат беради. Газетанинг 82-сонининг “Тарғиб иона” мақоласида урушнинг инсоният бошига солаётган қулфатлари ҳақида тўхталиб, аҳолини жабрдийда мусулмонларга ёрдам тариқасида ионалар йиғишга қақиради. Шунингдек, 84-сониди “Хинд мусулмонларига мурожаат” номли хабарда мусулмонларнинг урушга нисбатан позицияси қандай бўлиши кераклиги айтилади. Жумладан, ислом мамлакатларининг етакчиси бўлган Туркиянинг урушга қириши охирида ҳар қандай ҳолатда унинг зиёнига ўйнаши ва давлатнинг

империалистлар томонидан бўлиб олншига олиб келиши айтилади. Дархакикат, уруш якунланиши билан Туркия ўз худудларининг деярли 80 фоизидан айрилган эди. “Садои Фаргона”нинг 94-сониди Н.Донченконинг “Русская слова” газетасида эълон килинган “Уруш майдонидаги туркманлар” маколasiда туркий йигитларнинг азалдан жасоратли бўлгани, бу дашт арслонлари Чингизхон, Амир Темур кўшинларида дунёнинг энг кудратли армияларини барпо этганини эсга олади ва туркман йигитларининг тугма баходирликларини, отларининг чидамлилиги, сардорлари аскарлар билан тенг яшашлари ҳамда жангда ягона кучга айланиши ва уларни ҳеч қанақасига ютиб бўлмаслигини ёзади. Бу мақола мустамлака зулми остида ахволи забун, миллий армиядан махрум халқнинг гурурини тиклашга қаратилган бўлиб, миллий истиклол учун биринчи зарурий шарт бўлган миллий армия орзусининг ифодаси эди.

“Садои Фаргона”нинг 96-сониди эълон килинган “Инсоният қахрамони бетараф киз” қақидаги мақолада уруш майдонларидаги қаёт қаламга олинади ва инсоният учун уруш ҳеч қачон қойда қелтирмаслиги айтиб ўтилади. Бу Туркистон жадиidlарининг урушга нисбатан яқдил позициясини ифодалар эди. “Садои Фаргона” газетасининг саҳифалари дунёда қечаетган жараёнларни айнан миллий манфаатлар ва интилишлар юзасидан акс эттирган. Жумладан, Японияда татар театри қўйилиши, Японияда мусулмон депутати ва аёллар ҳуқуқи масалаларига ҳам ўрин ажратди.

Хуллас, “Садои Фаргона”нинг охири – 123-сон 1915 йилнинг 6 июнида чиқди. “Садои Фаргона” газетаси ўз даврининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий, маиший муаммоларини дадил қўтара олган нашр сифатида ўзбек журналистикаси тарихидан муносиб ўрин эгаллади. Туркистондаги бошқа жадиid матбуоти газеталаридан “Садои Фаргона”нинг яна бир фарқли жиҳати шу эдики, у ўзининг саҳифаларида уламолар учун ҳам қенг ўрин ажратди ва ҳеч қачон қескин зиддиятга сабаб бўлувчи мақолаларни қоп этмади. Мана шу мўътадил сиёсати туфайли газета Туркистон уламоларининг ҳам, жадиid тараккийпарварларининг ҳам бирдай севимли минбарига айлана олди. Иккинчи томондан, газета ижод аҳли учун ҳам бағрикенглик қилди. Газета саҳифаларида Сўфизода, Тавалло шеърлари, ёш Қўлпон, Иброҳим Давронларнинг илк ижодий намуналари эълон қилинди. Айтиш мумкинки, “Садои Фаргона” кейинчалик Туркистондан қўлаб ижодқорларнинг, журналистларнинг етишиб чиқишида ҳам қатта роль ўйнади. “Садои Фаргона” ўз саҳифаларида сиёсий ахборотлар учун ҳам қенг ўрин ажратган. Бу материаллар асосан Биринчи жаҳон уруши билан боғлиқ бўлса-да, Туркистон жадиidlарининг маълум мақсадларини ифодалаши билан аҳамиятга молиқдир. “Садои Фаргона” ўз даврида халқимизнинг сиёсий онгини, сиёсий маданиятини оширишда бемисл хизмат қилди. Ва кейинчалик илк сиёсий ташкилотлар, сиёсий партияларнинг пайдо бўлишида ҳам хизмати қатта бўлди.

“Нажот” газетаси

(1917 йил 23 март – 1917 йил июн)

“Нажот”нинг шиори “Мусовват, ҳуррият, адолат” бўлиб, Туркистон мусулмонлари марказий шўросининг наشري сифатида дунёга қелган. Мунаввар қори Абдурашидхонов муҳаррир бўлган бу газета, Авлонийнинг ёзишича, Қор ҳуқумати зулмидан қутилиш учун “Нажот” деб номланган. Газетанинг маслак ва мақсадини ифодаловчи “Хитобнома”сида “Бизнинг шиоримиз – мусулмонлар бириқингиз. Биз мусулмонлар ақсари “демократ”, яъни авом аталган халқдан иборатдир... Синфларнинг фарқлари мусулмонлар орасида жуда заиф, бизнинг қамолотимиз шундадир. Қамчилигимиз ҳам шунда, синфларнинг

фарклари сиёсий ҳаётни жуда кучайтирадир, унинг фазилати шундадир. Лекин ул миллатни бўладир – онинг камчилиги шундадир, биз фазилатимизни орттирайлик, камчилигимизни тугаллатайлик. Яшасин зўр ислом дунёси” дейилганди. Газетада Мунаввар кори, Махмудхўжа Бехбудий, Авлоний, Салоҳиддин Муфтизода, Абдулла Кодирӣ, Шокиржон Раҳимӣ, Лазиз Азиззодаларнинг мақолалари, Камӣ ва Таваллоларнинг шеърлари босилган.

Шу ўринда “Нажот”нинг мавжуд сонларини вараклаймиз. Унинг 10-сониди Салоҳиддин Муфтизоданинг “Сукут килинг! Сохиби сарватларнинг нидоси” мақоласига раддияси босилган. Мақола муаллифи мавжуд иқтисодӣ кийинчиликлардан фойдаланиб, большевикларнинг ташаббусини ўз кўлларига олишга чакиради, камбагал катламларни бойларга қарши гиж-гижлайди. С.Муфтизода бунинг оқибатини олдиндан кўргани ҳолда, давлатманд инсонларга мурожаат этиб, халқ орасида нотинчлик ва ҳукуматга ишончсизликнинг тарафдори бўлган кучларнинг гаразли мақсадидан огоҳлантиради. Бозорларни арзонлаштириш, халқнинг энг зарурий муаммоларини зудлик билан хал этишга чакиради. “Нажот”нинг 12-сониди С.Муфтизода “Таҳқиқсиз сажокат” мақоласини “Мен “Турон” җамияти аъзосиман, тараккийпарварман. Тараккийпарварлик дин ва шариат ила қойимдир” деб бошлайди. Шундан сўнг мақсадга ўтиб, газетанинг аввалги сониди ўзини тараккийпарвар деб таништирган Ҳусайиновнинг “Туркистонский куръер” газетасини тараккийпарварларга хизмат қилган газета сифатида таништиришига қарши чиқади. Аксинча, бу газетанинг Туркистондаги миссионерлик фаолиятига оид мақолаларини мисол келтириб, Ҳусайиновнинг ўзини таназзулпарварликда айблайди.

“Нажот”нинг 15-сонӣ хабарлар рукнида “...10 май куни мундан кетган мардикорларнинг бир гуруҳи Наманганга келдилар. Улар кизил байроқлар кўтариб, бир неча ерларда йигинлар ташкил этадилар ва улар халққа ҳуррият ҳақида маърузалар қилиб, бойларга тегишиб сўйландилар” деб ёзади. Газетанинг ташвиши мардикорликдан қайтганларнинг бир қисми аллақачон большевиклар таъсирига тушиб қолганида эди. “Қардошлиқ ҳисси” номли хабарда Андижондаги “Айнул Исломи” җамияти 5 май куни Ёттисувдаги очликни муҳофаза этиб, 4 кишилик комиссия қирғиз қардошлар учун иона йиггани ва 12 май куни “Айнул Исломи” раиси мулло Заҳриддин Аълам 427 сўмни почта орқали муҳтожларга йўллаганини хабар беради. Шунингдек, Мулло Абдурахмон Абдулкайюми ўғли Ҳўжандда Ҳожи Ҳомид мулло Қосим ўғлининг бозорга уруғлик чиқариб текинга таркатгани, Тошкентдаги “Гулистон” җамиятининг мактаб ва мадрасаларда ўқиётган моддий ҳам маънавий ёрдамга муҳтож ёшларга қўмакка тайёрлиги ҳақида хабар беради. Қўконда Имомназар қори Али Назар ўғлининг Миср, Истамбул, Байрут, ва татар нашрларидан чиққан янги китобларни олиб келиб “Замон” номли кутубхона очгани ва 3 май куни Қўконда “Хуррият” номида нашриёт ширкати таъсис этилгани ҳақида ёзади. Шокиржон Раҳимийнинг “Ш.Р.” имзоси остида ёзган “Хурриятдан нечук фойдаланамиз” мақоласи “Остроумов бобой миссионер Туркистонни қалин кўрпага ўраб ухлатишда ўзига “қадимчи уламолар”ни дўст этди” деган ҳулосаси билан аҳамиятли бўлса, Гулжалиқ Тошмуҳаммад ал Ноамийнинг мақоласи “... ҳеч бир ҳаёлимизга келмаган ушбу шодлик ва ҳуррият ила жумла диндош ва ватандошларимизни чин қўнғлимдан табриқ қиламан. Бизим Туркистон зиёлиларидан ўтинамани, ҳар ҳусусда хизматларини аямай ватанимиз бўлган Туркистон учун ҳар бир фойдалиқ ишларни ишлашга, шундоғ вақтда ҳар бир минутни зое қилмасдан мумкин қадар тезлик ила ватанимизга энг зарурий бўлган ҳар бир қамчиликларимизни тўлдирмок ва шул мақсадда ҳурриятдан фойдаланмок

йўлларини кидирсалар. Аҳолини хурриятдан огохлантириб, хурриятнинг нима эканлигини ва канча йилдан бери тортиша-тортиша нихоятта кўп кон тўкилганидан кейин келиб чиккан бул хурриятнинг каддини билиб, замонага мувофик ишлар килишга йўлбошчи бўлсалар. Хам мумкин кадар хизматларин аямай халк орасинда бирлик фикрини таркатиб бирлаштирмак хамда шул бирлашув оркасинда хар бир диний ва миллий ишларни йўлга солмок, мактаб ва мадрасаларимизни эски кўйича колдирмай, замонага мувофик кенг программали килиб ислох килмок, миллий матбуот хусусида хар бир бўлган огрикларни йўк килиб, газета журналлар нашрига киришмакдир. Ватанимизнинг миллий матбуотининг нималигини тушуниб хамда ташна бўлиб турганда чиккан газета, журналлар ИншааАллох, бурунги муштарийсизлик балосидан кутулиб, аҳоли кўлидан келган ёрдамни хеч кизгонмас деб биламан. ИншааАллох, бундан кейин чикадирган газеталаримиз, ватанимиз бўлган Туркистонга хар бир фойдалик ишлар хусусинда ёзиб, халкимизни окартирмок йўлини тутсалар керак” деган фикрлари билан ахамиятлидир.

Хуллас, бу газета бор йўги 20 сон чиккан. Ундан хам ёмони 5 та сони анча абгор холда бўлса хам, кутубхоналаримизда мавжуд. Умид киламанки, якин келажакда унинг колган сонларини жамлаб тадқиқ этишга муяссар бўламиз.

“Хуррият” газетаси

(1917 йил 16 апрель – 1918 йил 30 апрель)

Туркистондаги жадид матбуотининг энг нуфузли, дадил ва сермазмун газеталаридан бири “Хуррият” дир. “Хуррият” гарчи Туркистоннинг бир вилояти Самаркандда чикса хам, ўша пайтда ўлканинг марказий газетаси мавкеига эришган эди. Газетанинг биринчи мухаррири Ақобир Шохмансуров бўлиб, 9-сонидан 26-сонигача Мардонкул Шохмухаммадзода, 27-сонидан 87-сонигача Абдурауф Фитрат мухаррирлик килган. “Хуррият”нинг асосий ёзувчилари Махмудхўжа Бехбудий, Саид Ахмад Васлий, Саид Ахмадхўжа Сиддикий, Саид Ризо Ализода ва Хожи Муинлар эди. Шунингдек, Чўлпон, Садриддин Айний, Гози Юнус, Уфадан Нўширавон Явушев, Хайруннос Айсин, Нажиб каби ижодкорлар хам ўз маколалари билан катнашиб турарди.

Газетанинг илк сониди Мардонкули Шохмухаммадзоданинг “Таъмини истикбол” маколеси босилган. Унда муаллиф мазкур газетанинг асосий вазифаси халкимизнинг маънавий камолоти, маърифати ва илми ривожига хизмат килишдир, деб ваъда беради. Садриддин Айний “Ташаккур” маколесида газетани инкилобнинг меваси сифатида баҳолайди. Халкимизни зулм даврининг якуни билан кутлайди ва “Хуррият”га омад тилайди. Маколани “Яшасин хуррият” деб тугатади. Шунингдек, Бухоро амирининг ислохот тўғрисидаги фармони берилган. “Бухорода ислохот” маколеси 1917 йил 9 апрель, Бухоро воқеаларига бағишланган.

“Хуррият”нинг 5-сониди А.Абдужабборзода ўз маколесида “...барча инкилобларнинг боши мактабдир” деб муаллимларни мактаб ислохотига бел боғлашга чақирса, “Бухоро воқеалари” маколесида Махмудхўжа Бехбудий газетхонларга амирликда кечаётган инкилобий ўзгаришлар хақида хабар беради.

1917 йил 4 май куни “Хуррият”нинг 6-сониди босилган М.Шохмухаммадзоданинг “Туркистонда қахати рижол” маколесида “...хуррият кўлга киритилди, инкилоб амалга ошди энди яна илм, яна маориф керак. Бугун манаман деган бойларимиз хам конун олдида ўзларини мудофаа этарлик билимга эга эмас” дейди. Махмудия муаллимининг “М.Н.К.” имзоси билан ёзилган “Хаёт йўлида” маколеси “Хаёт йўлида биринчи масала

мактаб масаласидир” деб бошланади. Муаллиф Самаркандда мавжуд 2-3 та жадид мактабида ҳам ҳеч қандай назоратнинг йўқлиги ва уларнинг иктисодий жихатдан нақадар ночорлигига аҳамият қаратади. Самаркандда ташкил этилган “Анжумани маориф” жамияти шаҳарда муаллимлар тайёрловчи мактаб (дор ул-муаллимин) таъсис этиш зарур, дейди. Жамиятни мактаб ислохи учун ёрдам қўлини узатишга чакиради. Шунингдек, М.Шохмуҳаммадзода “Дехкон газетаси” мақоласида атроф ва дашт халқи учун махсус “Дехкон” номли газета таъсис этишга чакиради. Миллатни жамиятдаги сиёсий ўзгаришлар ва халқаро аҳвол билан таништириб боришнинг заруратига тўхталади. Аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда халқни сиёсий ҳаракатга тортиш масалаларини муҳокама қилади.

“Хуррият”нинг 1917 йил 19 май 10-сонида чоп қилинган М.Шохмуҳаммадзоданинг “Туркистон партиялари ва нодонлик” мақоласи жуда муҳим масалага бағишланган. Муаллиф “Бизнинг Туркистонда ҳам партиядан қўп экан, лекин мақсадларини билмадик. Андижонда миркомилчевин ва мираҳмадчевин, Тошкентда уламочевин, Самаркандда нафокчевин ва нафсониятчевин партиялари бор. Уларнинг манбаси илмсизлик, мансаби нодонлик. Бунинг оқибати ёмон бўлар” деб, халқнинг айна пайтда ишониши лозим бўлган ягона қуч сифатида ёшлар (жадид тараккийпарварлари)ни тавсия қилади. Мақолани “...ёшларимиз иззат нафс, мансабларни қўйиб, ҳолис, манфаатларсиз, халққа хизмат этарлар. Бу йўлда қаршиликларга чиқарлар. Бу қун хизматлари маълум бўлмай қолса, ўлганларидан сўнг маълум бўлар” деб тугатади. Махмудхўжа Бехбудийнинг “Мухтарам Самарқандликларга ҳолисона арз” мақоласи аччиқ бир киноя билан битилган. Унда муаллиф “...Самарқандда “клуб Исломия” тузилди, улар маданий курашга киришдилар, аммо турли мақсадлар илнжида ҳамма ўз манфаатига урушиб кетдилар. Натижада иттифок қўлдан чиқди, аксинча низолар натижасида бирлик кетди” деб яқунлайди... Махмудхўжа Бехбудий “Хуррият”нинг 1917 йил 26 сентябрь 41-сонидagi мақоласида Самарқандда очлик масаласида бўлган мажлисдан ҳикоя қилади. Жумладан: “... Бу йил сувсизлик боис, галла қам ҳосил бўлди. Самарқандда бугдой йўқ, ўзи қон аввал қам етишмасди. Қали эрта, эртага қеч бўлмасдан бугдой қелтириш зарур. Ақс қолда қасалликлар ортиб, қаммаси баттар бўлади. Қалққа шароит яратишимиз қерак. Йигилганлар бойлардан қул йигишни ва ўша қулга бугдой қелтиришни айтдилар. Аслида қозир Россияда иқонса бўладиган қоқимият қам, галла қам йўқ” дейди. Мажлисда бир солдат Жиззахда муқулмон болаларининг қарбий қазармаларга қориб, бир бурда қон учун қўқинаётганлари воқеасини айтди. Қамма қўзига ёш олди, қен қидай олмадим”, дейди Бехбудий. С.Сидқийнинг “Дизахда очлик” мақоласи қам шу мавзуга бағишланган. Жиззахда шу қунларда қамида ўн қишининг очидан ўлгани, муқулмон болаларининг рус оилаларига қориб, қўқиниб қон тиланганларини ёзади. Мажлис сўнгида очларга ёрдам учун қул йигилганида Махмудхўжа Бехбудийнинг 100 сўм берганини, қўпчилиқ савдоқару бойларнинг дахшатли воқеъликларни тинглаб таъсирлангани, бирок, иққи уч томқи қўз ёшдан бошқасига ярамаганларини ҳикоя қилади. Газетанинг “Бухоро қабарлари” қуқнида: Қоракўл қозиси Ўрок Иқромиддин махдумнинг судур рутбасини олиб, Қоржўй қилоятига қозиси бўлгани қабари берилган. “...Иқромиддин махдум Бухоронинг яқши тараккийпарварларидан. Эқкидан газеталарни ўқиб, ўз уйида татар ва ўзбек муаллимларини саклаб, болаларни усули жадида билан ўқитар эди. Эшитишимизга қўра, Иқромиддин махдум Қогондаги ёшларга буюқ бир маблаг иона бермиш” деб ёзади. Кейинги қабарда “...23 сентябрда Бухорода ақарлар исён қилган. Тўпқибоши (ўрис вазир)нинг ясовулини уриб ташлаган. Қушбегини қам сўқиб ташлаган ва “Сешанқалиқ”

кўшин ҳам аскарларга кўшилади. Исённи ойликни 15 дан 25 сўмга ошириш билан тўхтатди” дейилади. Шунингдек, Козоли шахридаги бухоролик ёшларнинг “театр тўгараги” тузилгани ва кадимчи Абдурахмон Карвонбоши деган кимсанинг ўша тўгаракни ёпиш максидида ва унинг аъзоларини 75 даррадан урдириш ниятида ариза йигиб юргани ва ёшлар кўркиб “Ёш бухоролик”лардан ёрдам сўрагани воқеаси ёзилган. Кейинги 42-сондаги Фитратнинг “Бухоронинг аскарлари” маколasi ҳам ўзида жуда кизик маълумотларни акс эттирган. Жумладан, Бухоро 12 минг аскар йигиш мумкинлиги холда, амалда 4-5 минг аскар бор. Уларда ҳам на курол, на кийим, на ёток жой мавжуд. Бу ерда харбийлик шон-шараф эмас, энг паст лавозим хисобланади. Улар пора бера олмаган кашшоклардан мажбурий тўпланган. Армияда дўхтирлик хизмати йўк. Аскарларда на ҳуқуқ, на пул бор. Бечора ҳеч бир ҳуқуқсиз мардикорлардек, амир ва бекларнинг кадрсиз куллариدير, дейди.

Хуллас, “Хуррият”нинг 1918 йил 30 апрелда чоп этилган 87-сони сўнггиси бўлди. Газета большевиклар томонидан ёпилди. Бирок, “Хуррият” ўзбек матбуотининг ёркин намунаси сифатида тарихимиз зарваракларидан мустаҳкам ўрин олди.

“Улуг Туркистон” газетаси

(1917 йил 25 апрель – 1918 йил 30 ноябрь)

“Улуг Туркистон” газетаси 1917 йилнинг 25 апрелидан татарларнинг “Иттифок” жамияти томонидан Тошкентда чиқарила бошланган. Шиори “Яшасин миллатларнинг мухторияти!” бўлиб, бу газетага Кабир Бакир ва Содик Абдусатторовлар муҳаррирлик қилган. “Улуг Туркистон”нинг тахририятида асосан ички Россиядан келган журналистлар ишлагани учун материаллари камрови ва савияси жихатидан бошқа маҳаллий газеталарга қараганда юқсакроқ эди. Унда Россиянинг марказий шаҳарларидан, уруш жабҳаларидан, турли ўлкалар (Украина, Финландия, Кавказ каби)дан, Туркистоннинг турли вилоятларидаги мухбирлари орқали тезкор хабарлар бериб борилган.

1917 йил 25 апрель санаси билан дунё юзини кўрган “Улуг Туркистон”нинг илк сониди муҳаррир Кабир Бакир газетанинг “Маслак ва мақсад”ини баён қилади. Унда “Улуг Туркистон”нинг асосий мақсади Туркистон равнақи, унинг маорифи ва илму фани ривожига ҳисса қўшмоқдир. “Улуг Туркистон” Туркистоннинг барча миллат вакилларининг газетаси, ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман миллатларининг манфаатини бирдай акс эттиради. Бирор синфнинг газетаси эмас, барча синфларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, дейди. Шунингдек, Нуриддин Сайфулмулкнинг 1917 йил 4 апрелда таъсис этилган “Иттифок” жамияти ҳақида ахбороти ҳам муҳим хисобланади. “Улуг Туркистон”нинг 3-сониди чоп этилган “Туркистонга автономия олув ҳақида” мақоласида муаллиф Нўширавон Ёвушев Россияда 30 млн туркий қавмлар яшайди. Уларнинг ҳаммаси учун ҳам Туркистонга автономия берилиши керак. Бу йўлда барча Туркистонга автономия олувга ёрдам бермаги керак. Тўғри, бугун бу учун курол йўқ, оқча йўқ. Аммо, уларни ҳам интилас топа биламиз ва буни керак деб биламиз, дейди. Иброҳим Тохирнинг “Мақтаб ва мадрасалар ислоҳи” мақоласида ҳурриятдан тўрт-беш кун ўтиб, Мунаввар қори уйида Туркистонда мавжуд барча мактабларнинг ўқитувчиларини тўплаб мажлис қилгани ва унда 8 кишидан иборат комиссия тузилганлиги хабарини беради. Шундан сўнг мазкур комиссия ўзининг 5 йиллик миллий таълим тизимини ишлаб чиққани ҳамда эндиликда мадрасалар ислохотига қиришиш масаласида мунозаралар ўтказаетганини баён қилади.

“Улуг Туркистон” 1917 йил 13 май 5-сониди Н.Ёвушов “Очликдан қутилиш чоралари”

маколасини “Хурриятдан халк тўқлик сўрайди, очлик талонларга имкон беради” деб бошлайди. Ўзи Шаркий Туркистонга сафари давомида гувоҳи бўлган ҳолатларга тўхталиб, Хитой Туркистонида озука кўп, лекин алоқа йўллари ёмон, дейди. Иккинчидан, у ерда Рус пулининг кадри йўқ (1 рус сўми уларда 24 тийин кийматига тенг), дейди. Шу соннинг ўзида босилган “Консулхоналаримиз ҳақинда” номли иккинчи маколасида: “... Кошгарда эдим, у ердаги консуллар ҳамон зулм билан ишларлар, эски давр императорни кўмсайди. Халк орасида ҳеч ким хурриятга ишонмайди. Улар яна тезда зўравонлар ҳокимиятга келади ўйларлар” деб ёзади.

Газетанинг 6-сониди Н.Сайфулмулк ва И.Тохирларнинг “Халк жумҳурияти” маколасида бошқарувнинг демократик республика усули ҳақида ўқувчиларга кенг камровли маълумот берилади. “... Демократия бу жамиятга тенг ҳуқуқлар, умумий сайловлар, бепул таълим ва тиббий хизматларни жорийлаш демакдир” деб ҳаммани Республика учун овоз берувга чакиради.

“Улуг Туркистон”нинг 8-сонидаги “Шоён таассуф ва воқеалар” мақолада “Тўрон” газетаси билан боғлиқ жанжаллар ва уларнинг эски шаҳардан қувилиши, “Шўрои Исломи”га қарши “Иттифоқи мусулмин”нинг пайдо бўлиши каби воқеаликларни қаламга олиб, газетхонларга буларнинг ҳаммаси тараккийпарварнинг бирлашишига қарши мустамлакачиларнинг хийласидир, деган фикрни илгари сурилади. Газетанинг 9-сонидаги “Хивада кўнгилсиз воқеалар” маколасида эса Хоразмда кечаётган воқеаликлар таҳлил этилган. Муаллиф Бухоро ва Хивадаги кўнгилсизликларнинг заминиди ҳам ўлкада ислохотларга тўқинлик қилишни йўқотган рус задаларининг қўлини ётади, дейди.

“Улуг Туркистон”нинг 12-сониди Н.Сайфулмулкнинг “Туркистонлилар ҳам аскарий хизмат” маколасида 1917 йил 31 июнда Ишчи, деҳқон ва Солдат советлари ўзларининг жаҳон уруши майдонларига туркистонликлардан аскар олиш тўғрисида қарорини Қиренскийга топширгани, бироқ, Муваққат ҳукуматнинг бу борада ўз муносабатини очик қўйгани ётади.

“Улуг Туркистон”нинг 15-сониди Кабир Бакирнинг “Қардошлиқ номи” маколасида Абдуваҳҳоб Муродий, Салим Тиллахонов, Каюм Рамозонларнинг “Очик сўз” газетасида босилган “Миллий матбуотимиз диққатига” номли мақолага ўз муносабатини билдиради. Унда туркистонлик ёшлар барча нашрларга мурожаат этиб, матбуотда халқимизни қамситув маъносида ишлатилган “сарт” ва “сартия” сўзларини бутунлай таъқиқлашни талаб этган эди. Кабир Бакир мақсуд масалага тўхталиб, ўзининг Туркистон туркларига нисбатан ҳеч қачон “сарт” сўзини қўлламаганини ётади. Айни пайтда, “сарт” сўзининг Остроумов томонидан қўйилган, аксинча, Навоий ва ундан олдинги туркий манбаларда ҳам бу сўз учрашига эътибор қаратади. Миллатни улуглаш ва унинг обрўсини тўқитиш ё ошириш унинг номи билан эмас, унинг вакиллари шижоати ва қайратини билан белгиланади, дейди. Шунингдек, “Еттисувдаги даҳшатли ҳолатлар” номли мақолада маҳаллий қирғизларнинг ерларига жойлашиб олган рус мужикларининг қирғизларга нисбатан қамситиш, ҳўрлаш сиёсати қаламга олинган. Айни пайтда ваҳшийликлар янада авж олиб, қўрқотилган мужиклар қирғиз халқини турли баҳоналар билан қирғиз ташлашга ҳаракат қилаётгани ёзилади.

“Улуг Туркистон”нинг 1917 йил 12 август 22-сониди Н.Ёвушевнинг “Ўқув йўлида бир тавсия” мақоласи босилган. Унда туркистонлик қизларни Оренбург губернаторлиги Трилицк шаҳридаги Латиф Яушевнинг 5 йиллик ўрта махсус қизлар мактабиди ўқитишни таклиф этади. Унда ўқиган қизларнинг қўлжақда Туркистон аёллари орасида

таълим-тарбиянинг ривожига катта хисса қўшишига ишонч билдиради. Шунингдек, “Ўролбой”нинг “Кичкина фельетон” номли хажвияси ҳам босилган. Унда янги Думага “Уламо жамияти” ва “Шўрои Исломи”дан сайланган мусулмон депутатларининг ўзаро низолари Туркистоннинг тараккийси учун эмас, аксинча, таназзули учун, яъни душманларнинг галабасига олиб келишига хизмат қилишини таъкидлайди. Энг кизиги, Думага ҳамон эски замондаги раис рахбарлик қилаётганига эътибор қаратади. Муаллиф “...нима учун, ахир бу ҳолда ўзгаришларга ишонган халқ бошсиз қолади-ку” деб савол қўяди ва кейинги каторда “Халқнинг боши бўлса, шул кимсаларни сайлайдирмиди” деб ўзи жавоб беради. “Ўролбой” муваккат ҳукуматнинг эълон қилган “хуррият”и факатгина коғозда қолаётганига шаъма қилади.

“Улуг Туркистоннинг” 23-сонида “Содик” “Миллий ҳоссамизни изҳор қилайлик” мақоласида ўта муҳим онда бутун Туркистон халқини бирликка чақирса, “Солдат” “Миллий сармоя керак” мақоласида миллат бойларини миллий армия учун сармоя тўплашда ҳимматли бўлишга чақиради.

Дарҳақиқат, “Улуг Туркистон” Россияда юзага келган сиёсий-иҷтимоий вазиятни синчиклаб қўзатиб борар экан, миллий зулм остида эзилиб келган Россия мусулмонларига ўз мустақилликларини қўлга киритиш имкониятлари юзага келаётганини қайта-қайта таъкидлаб турди. Туркистонда большевиклар ҳокимиятга келганидан сўнг ҳам газета ўз маслагини ўзгартирмасликка интилди. Натижада, 1918 йилнинг ноябрига келиб, 160-сонида Шўролар ҳукумати томонидан тўхтатилди.

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори